

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12. 2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ОБИДОВА НОДИРА ДЖУМАНОВНА**

**ДИКЛОФЕНАК АСОСИДАГИ КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАР  
СИНТЕЗИ, ТУЗИЛИШИ ВА БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии по  
биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on biological sciences**

**Обидова Нодира Джумановна**

Диклофенак асосидаги комплекс бирикмалар синтези, тузилиши ва биологик  
фаоллиги ..... 3

**Обидова Нодира Джумановна**

Синтез, строение и биологическая активность комплексных соединений на  
основе диклофенака ..... 21

**Obidova Nodira Djumanovna**

Synthesis, structure and biological activity of complex compounds based on  
diclofenac ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12. 2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ОБИДОВА НОДИРА ДЖУМАНОВНА**

**ДИКЛОФЕНАК АСОСИДАГИ КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАР  
СИНТЕЗИ, ТУЗИЛИШИ ВА БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/В499 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ибрагимов Бахтиёр Туляганович**  
кимё фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Эргашев Нурали Агзамович**  
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

**Гафуров Махмуджон Бакиевич**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон Давлат Университети**

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc:02/30.12.2019.K/В.37/01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024-йил «\_\_\_» \_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83.Тел: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2024 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.И.Салихов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**Н.Р.Хашимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котибаси, б.ф.д., е.и.х

**М.Б.Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

## **Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда тиббиёт амалиётида қўлланилаётган дори воситаларини янгилаш, уларнинг турли хусусиятларга эга биометалл тузлари билан комплекс бирикмаларини олиш замонавий кимё ва фармакологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун мавжуд дори воситаларининг янги комплекс бирикмаларини синтез қилиш, уларнинг структурасини замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида ўрганиш, молекуляр ва кристалл тузилишини рентген тузилиш таҳлили орқали аниқлаш, шунингдек, олинган комплексларнинг биологик фаолликларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда дори воситалари ва биофаол металл тузлари асосида координацион бирикмаларни синтез қилиш ҳамда биокимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича кўплаб илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада дори воситалари билан биометалл тузлари ҳосил қилган комплекс бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, шу билан бирга, самарали фармакологик таъсирга ва юқори биологик фаолликка эга, заҳарлилиги кам, организмга осон сўриладиган, юқори даражада тақсимланадиган, осон метаболизмга учрайдиган дори воситаларининг янги ҳосилаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда мавжуд дори воситаларини янгилаш, импорт ўрнини босувчи янги самарали дори воситаларини яратиш, аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, уларнинг тузилишини аниқлаш ва биологик фаолликларини ўрганиш, улар асосида янги дори воситаларини яратиш борасида муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш»<sup>1</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, дори воситаларини координацион бирикмалар, жумладан, металлокомплекслар синтез қилиш билан олиш мумкинлигини кўрсатиб бериш, биологик фаолликларини тадқиқ қилиш ҳамда улар асосида янги, олдингисига нисбатан зарарсиз ва юқори самарали дори воситаларини яратиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Дунёнинг етакчи илмий марказларида фенилсирка кислотаси ҳосилалари қаторидаги ностероид яллиғланишга қарши бирикмаларнинг, хусусан диклофенакнинг биометаллар билан комплексларини синтез қилиш, фазовий тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, S.Caglar, E.Dilek, B.Caglar, E.Adiguzel, E.Temel, A.Tabakлар диклофенак иштирокида кобальт билан аралаш лигандли комплекслари, C.Castellari, G.Feroci, S.Ottaniлар мис билан икки ядроли комплекси, W.Sun, L.Zuo, T.Zhao, Z.Zhu, G.Shanлар томонидан сокристаллари олинган ва уларнинг кристалл тузилишлари, хоссалари ҳамда биологик фаоллиги аниқланган. S. Perontsis, A. Dimitriou ва P. Fotiadou томонидан, диклофенак комплексларининг радикалларни ютувчи фаоллиги ўрганилган. Кембридж кристаллографик маълумотлар (CCDC-2022) базаси таҳлилига кўра, шу вақтга қадар диклофенак асосида 104 та металлокомплекслар, шулардан 23 та мисли, 17 та рухли, 11 та кобальтли ва бошқа металлар билан комплекслари аниқланган.

МДХ мамлакатларида диклофенакнинг фармацевтик сокристалларини олиш физик-кимёвий хоссаларини ва биологик фаоллигини ўрганиш бўйича А.О.Суров, А.П.Воронин, А.В.Чураков, Г.Л.Перлович (Россия), шунингдек, координацион бирикмаларини олиш ва цитотоксик фаоллигини аниқлаш билан Т.П. Антоненко, Д. Шпаковский, В.Тафеенко, Ю. Грачева, Е. Милаева (Россия) бошчилигидаги олимлар илмий мактаблари шуғулланишган.

Ўзбекистонда координацион бирикмаларнинг синтези, тузилиши ва хоссаларини аниқлаш борасида академик Н.А. Парпиев ва академик Б.Т. Ибрагимов бошчилигидаги илмий мактаб, профессор Х.Т. Шарипов гуруҳи, профессор Ж.М. Ашуров раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи томонидан тадқиқотлар амалга оширилган. Сўнгги йилларда Биоорганик кимё институтида академик Б.Т. Ибрагимов ва унинг шогирдлари томонидан 350 дан ортиқ янги комплекс бирикмалар синтез қилиниб, уларнинг тузилиши рентген тузилиш таҳлили (РТТ) ёрдамида аниқланган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ВА-ФА-Ф7-004 рақамли

«Биологик фаол бирикмалар металл комплекслари тузилишига ҳароратнинг таъсирини ўрганиш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** диклофенакнинг биологик фаоллиги юқори, ноҳўя таъсирлари кам бўлган янги самарали комплекс бирикмаларини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- диклофенакнинг аминоспиртлар (моно-, ди-, триэтанолламин) ёки этилендиамин билан органик тузларини шунингдек, биометаллар иштирокида ( $Zn^{2+}$ ,  $Cu^{2+}$ ,  $Ni^{2+}$ ) аралаш-лигандли комплекс бирикмаларини синтез қилиш;

- янги олинган комплекс бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва барқарорлигини замонавий физик-кимёвий усуллар (РТТ, ТГ-ДСК, ИК-спектроскопия, кондуктометрия) ёрдамида аниқлаш;

- комплекс бирикмаларнинг *Nela* хужайраларида цитотоксиклигини аниқлаш.

- комплекс бирикмаларнинг ўткир заҳарлигини аниқлаш;

- комплекс бирикмаларнинг кумуляцияланиш хоссасини аниқлаш;

- комплекс бирикмаларнинг ўткир экссудатив яллиғланишга қарши фаоллигини аниқлаш;

- комплекс бирикмаларнинг ульцероген таъсирини аниқлаш;

- комплекс бирикмаларнинг антибактериал фаоллигини аниқлаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида асосий лиганд диклофенак, қўшимча лигандлар моноэтанолламин, диэтанолламин, триэтанолламин, этилендиамин, ҳамда  $Cu^{2+}$ ,  $Zn^{2+}$ ,  $Ni^{2+}$ ,  $Cd^{2+}$  металл ионлари иштирокида олинган комплекс бирикмалар олинган.

**Тадқиқот предмети** янги олинган комплекс бирикмаларнинг синтези, таркиби, молекуляр ва кристалл тузилиши, шунингдек *in vitro* ва *in vivo* шароитида цитотоксиклигини, ўткир заҳарлигини, кумуляция хоссасини, ўткир экссудатив яллиғланишга қарши фаоллигини, ульцероген таъсирини ҳамда антибактериал фаоллигини қиёсий ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида комплекс бирикмаларнинг таркиби ва тузилиши замонавий физик-кимёвий усуллар РТТ, ИҚ-Фурье-спектроскопияси, ТГ-ДСК, кондуктометрия, шунингдек *in vitro* ва *in vivo* шароитида ўрганилаётган бирикмаларнинг умумий заҳарлиги ва «ўткир» заҳарлиги Саницкий усулидан, ўткир заҳарлилик параметрлари Литчфилд ва Уилкоксон усулидан, кумуляцияланиш хоссасини ўрганишда *Lim'a* усулидан, ўткир экссудатив яллиғланиш каррагенин модели бўйича, антибактериал фаоллиги чуқурчали диффузион агар методи билан, цитотоксиклигини аниқлашда [3-(4,5-диметилтиазол-2-ил)-2,5-дифенил-2Н-тетразолий бромиди] (МТТ) биокимёвий усулидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

диклофенак иштирокида 10 та янги комплекс бирикма синтезланган, шулардан 1 та органик туз, 9 та металл комплекслари диклофенак

иштирокида олинган ва уларнинг молекуляр, кристалл тузилишлари замонавий усуллар ёрдамида тўлиқ аниқланган;

диклофенак этилендиамин ёки аминспиртлар (моно, -ди, -триэтаноламин) иштирок этган муҳитда,  $Zn^{2+}$ ,  $Cu^{2+}$ ,  $Ni^{2+}$  металл ионлари билан бевосита координация қила олмаслиги, яъни фақат ташқи сферада бўлишлиги ва изоструктурали комплекслар ҳосил қилишлиги исботланган;

илк бор диклофенак асосида олинган  $[Zn(EDA)(H_2O)_3] \cdot (Dicl)_2$ ,  $[Ni(EDA)_2(H_2O)_2] \cdot (Dicl)_2 \cdot (H_2O)_2$  таркибли аралаш-лигандли комплекс бирикмаларининг ўткир заҳарлилиги диклофенакка нисбатан камайиши ва ўткир экссулатив яллиғланишга қарши фаоллиги юқори самарали эканлиги аниқланган;

илк мартаба  $[Ni(EDA)_2(H_2O)_2] \cdot (Dicl)_2 \cdot (H_2O)_2$  комплексининг ульцероген таъсири диклофенакка нисбатан камайиши ва  $[Zn(EDA)(H_2O)_3] \cdot (Dicl)_2$  комплексининг ульцероген таъсири йўқ бўлиши исботланди;

$[Zn(EDA)(H_2O)_3] \cdot (Dicl)_2 \cdot (H_2O)_2$ ,  $[Cu(EDA)_2(H_2O)_2] \cdot (Dicl)_2 \cdot (H_2O)_2$ ,  $[Ni(EDA)_2(H_2O)_2] \cdot (Dicl)_2 \cdot (H_2O)_2$  таркибли аралаш-лигандли комплекс бирикмалари *Bacillus subtilis*, *Escherichia coli*, *Staphylococcus aureus* бактерияларига қарши юқори самарали таъсир этишлиги аниқланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат: диклофенакнинг  $Cu$ ,  $Zn$ ,  $Ni$  биометаллари билан комплекс бирикмаларини синтез қилишнинг мақбул усуллари ишлаб чиқилган;

барча янги олинган бирикмаларнинг Cambridge Crystallographic Data Center базасига депозит қилинганлиги (рўйхатга олинганлиги), бутун жаҳон илмий ҳамжамиятига уларнинг молекуляр ва кристалл тузилиши ҳақида батафсил маълумот олишга имконият яратилган;

диклофенакнинг ўткир заҳарлилиги VI синфга мансуб нисбатан зарарсиз ва ульцероген таъсири ( $UD_{50}$ ) бўлмаган рухли комплекс шаклини олиш усули яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** янги комплекс бирикмаларнинг таркиби, тузилиши РТТ ёрдамида аниқланиб, уларга депозит рақами олиниши, физик-кимёвий хоссалари ТГ-ДСК, ИҚ-спектроскопия, кондуктометрия каби ҳамда биологик фаоллиги биоорганик кимёнинг замонавий (фармакологик ва биокимёвий) тадқиқот усуллари қўллаш орқали исботланди. Тадқиқот натижалари назарий маълумотларга мос келиши билан тасдиқланади. Олинган натижаларнинг исботи уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижаларнинг рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан асосланади. Хулосалар тадқиқотларнинг натижаларини таҳлили асосида қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диклофенакнинг металл ионлари билан янги координацион бирикмаларини синтез қилишнинг мақбул шароитлари, комплекс бирикмалар таркиби, тузилиши ва хоссаларининг ўзаро боғлиқлик қонуниятлари тасдиқланганлиги ва тўлдирилганлиги, заҳарлиги кам бўлган самарали биологик хусусиятга эга бирикмаларнинг

мақсадли синтезини амалга ошириш, комплексларнинг РТТ натижаларидан, кимёвий боғларнинг табиатини, металл комплексларининг тузилиши ва хусусиятларини ўрганишда йўналтирувчи (справочник) материал сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўткир заҳарлилиги V, VI синфларга мансуб, ульцероген таъсири (УД<sub>50</sub>) бўлмаган ва яллиғланишга қарши юқори самарали фаолликка эга бўлган зарарсиз диклофенакнинг янги комплекс бирикмаларини олинганлиги истиқболли дори воситаларини яратишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диклофенакнинг комплекс бирикмалари синтези, кристалл тузилиши ҳамда биологик фаоллиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

10 та янги кимёвий бирикманинг кристалл тузилиши Англия Cambridge Crystallographic Data Center базасига киритилган (The Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam.ac.uk/solutions/csd-system/components/csd/>) (CCDC депозит рақами 2168795, 2033596, 2012849, 2012852, 2012851, 2012850..+.). Натижада ушбу базага киритилган кимёвий бирикмалар ўхшаш бирикмаларни синтез қилишда, тузилишини тавсифлашда тақдим этилган маълумотлардан фойдаланиш имконини берган;

диклофенак комплексларининг монокристалларини ўстириб, рентген тузилиш таҳлили ёрдамида фазовий ва молекуляр тузилишини тадқиқ қилишда тўпланган кристаллографик маълумотлар ва уларнинг биофаоллигини қиёсий ўрганиш мобайнида олинган натижалардан ВА-ФА-Ф7-004 “Биологик фаол бирикмаларнинг металл комплекслари тузилишига ҳароратнинг таъсирини ўрганиш” фундаментал лойиҳасида муайян биофаолликка эга бўлган янги аралаш-лигандли координацион бирикмаларни олишда фойдаланилган (ЎЗР Фанлар академиясининг 2023 йил 10 апрелдаги 4/1255-754-сон маълумотномаси). Натижада, стероид бўлмаган яллиғланишга қарши, оғриқ қолдирувчи ва ўртача антипиретик таъсирга эга диклофенакнинг турли металл ионлари билан янги самарали металлокомплекс бирикмаларини синтез қилиш, уларнинг тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предметлари ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, шунингдек тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Диклофенак асосида олинган координацион бирикмалар уларнинг тузилиши ва биологик фаоллиги»** деб номланган биринчи бобида диклофенак (2-(2,6-дихлорфениламино)фенилсирка кислотаси иштирокида комплекс бирикмалар синтези, молекуляр ва кристалл тузилишлари, физик-кимёвий хоссалари, биологик фаоллиги, тиббиётда қўлланилиши ва дори воситасининг хусусиятлари бўйича адабиётлардаги маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Диклофенак асосидаги комплекс бирикмалар синтези ва уларнинг биологик фаолликларини тадқиқ этиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида диссертация тадқиқоти доирасида фойдаланилган асбоб-ускуналар ва реактивлар тавсифи, комплекс бирикмаларни синтез усуллари баён қилинган, янги олинган бирикмаларнинг биологик фаолликларини тадқиқ этиш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг **«Диклофенак асосида олинган комплекс бирикмаларнинг молекуляр, кристалл тузилиши»** деб номланган учинчи бобида диклофенак билан Zn(II), Cu(II), Ni(II) ва Cd(II) монолигандли металлокомплекслари ҳамда MEA, DEA, TEA, EDA аралаш-лигандли комплекс бирикмалари РТТ, ТГ-ДСК, кондуктометрия усуллари ёрдамида таҳлил қилинган. Таҳлиллар асосида синтез қилинган бирикмаларнинг структуралари таклиф қилинган.


Диссертациянинг **«Синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг биологик фаоллигини тадқиқ этиш натижалари ва уларнинг таҳлили»** деб номланган тўртинчи бобида янги олинган комплекс бирикмаларнинг цитотоксиклиги ва ўткир захарлилиги, кумуляция хоссалари, ўткир экссудатив яллиғланишга қарши фаоллиги, ульцероген таъсири, антибактериал фаоллиги аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот ишларидан олинган натижалар келтирилган.

Диклофенакнинг  $Ni^{2+}$ ,  $Cu^{2+}$  ва  $Zn^{2+}$  металл катионлари билан этилендиамин (EDA) иштирокидаги изоструктурали металл комплекслари синтез қилиниб, уларнинг тузилиши РТТ усулида аниқланди. Комплексларда марказий атомга 2 та EDA молекуласи хелат ҳолатида координацияланган ва октаэдр геометриясида қолган 2 та жойни сув молекулалари эгаллаган. Диклофенак молекулалари ташки сферадан жой олган. Бундан мазкур комплекс таркибида рухнинг координация сони бга тенглиги кўринади (1-расм).




**1-расм.**  $[\text{Me}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2](\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  таркибли изоструктурали комплекснинг (а) молекуляр ва (б) кристалл тузилиши

$[\text{Cu}_2(\text{H}_2\text{O})_2(\text{Dicl})_4] \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  таркибли комплекс бирикма биядроли бўлиб, 4та ҳар бири бидентат диклофенак молекуласи карбоксил гуруҳининг кислород атомлари алоҳида ҳолда ҳар иккала мис атомларига координацияланган. Шунингдек, координацияда 2та сув молекуласи ҳам монодентат ҳолда иштирок этган. 2та сув молекуласи ташқи сферада жойлашган. Мис атомларининг координацион сони 6 бўлиб, Cu–Cu кўпригига ҳам эга. Ушбу икки ядроли мис комплекси тузилишидаги ўзига хослик шундаки, ҳар қайси диклофенак молекуласи бир вақтда иккала мис атомига ҳам координацияланган (2-расм).




**2-расм.** Биядроли  $[\text{Cu}_2(\text{H}_2\text{O})_2(\text{Dicl})_4] \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  таркибли комплекснинг (а) молекуляр ва (б) кристалл тузилиши

$\text{Cu}_2(\text{C}_3\text{H}_6\text{O})_2(\text{Dicl})_4$  таркибли комплекс бирикма биядроли бўлиб, 4та ҳар бири бидентат диклофенак молекуласи карбоксил гуруҳининг кислород атомлари алоҳида ҳолда мис атомларига координацияланган. Шунингдек, координацияда 2та ацетон молекуласи ҳам монодентат ҳолда иштирок этган. Мис атомларининг координацион сони 6 бўлиб, Cu–Cu кўпригига эга (3-расм).




**3-расм.** Биядроли  $\text{Cu}_2(\text{C}_3\text{H}_6\text{O})_2(\text{Dicl})_4$  таркибли комплекснинг (а) молекуляр ва (б) кристалл тузилиши

Таркиби  $\text{Cu}_2(\text{C}_4\text{H}_8\text{O})_2(\text{Dicl})_4$  бўлган биядроли комплекс бирикмасида 4та ҳар бири бидентат диклофенак молекуласи карбоксил гуруҳининг кислород атомлари алоҳида ҳолда мис атомларига координацияланган. Шунингдек, координацияда 2та ацетон молекуласи ҳам монодентат ҳолда иштирок этган. Мис атомларининг координацион сони 6 бўлиб, Cu–Cu кўпригига эга (4-расм).




**4-расм.**  $\text{Cu}_2(\text{C}_4\text{H}_8\text{O})_2(\text{Dicl})_4$  таркибли комплекснинг (а) молекуляр ва (б) кристалл тузилиши

$[\text{Zn}(\text{DEA})(\text{H}_2\text{O})_3](\text{Dicl})_2$  таркибли комплекс бирикма тридентат (2та O ва 1та N) ҳолдаги DEАнинг 1та молекуласи Zn(II) атомига координацияланган, шунингдек, ушбу координацияда 3та сув молекуласи ҳам қатнашган. Иккита диклофенак молекуласи ташқи сферада водород боғлари орқали локалланган. Рухнинг координация сони 6 га тенг (5-расм).




**5-расм.**  $[\text{Zn}(\text{DEA})(\text{H}_2\text{O})_3](\text{Dicl})_2$  комплексининг (а) молекуляр ва (б) кристалл тузилиши

$[\text{Ni}(\text{TEA})_2] \cdot (\text{Dicl})_2$  таркибли комплексида 2та диклофенак лиганди ташқи сферада жойлашган. Ҳар иккала ТЕАмолекуласи тридентат (2та O ва 1та N) ҳолатда Ni(II) атоми билан хелат ҳосил қилган, Ni(II) атомининг координацион сони 6га тенг. Иккала ТЕА лигандининг биттадан ОН гуруҳлари O атоми координацияда қатнашмаган (6-расм).




**6-расм.** Диклофенак-Ni(II)-триэтаноламин комплексининг (а) молекуляр ва (б) кристалл тузилиши

(Dicl·МЕА·Н<sub>2</sub>О) таркибли моногидрат комплекс ҳолида кристалланиши кузатилди. Кристалл структура асимметрик бирликда битта (МЕА) катиони, битта 2-(2,6-дихлорфениламино)фенил сирка кислота ёки диклофенак аниони ва битта сув молекуласига эга, *P2<sub>1</sub>/c* фазовий гуруҳида кристалланган. Диклофенак аниони аминао гуруҳи ва карбоксил гуруҳининг О1 атоми орасидаги битта ички молекуляр водород боғи билан барқарорлашади: N1—H1…O1[2,884 (3)Å, 128,9], натижада S(7) граф-сети кўринишидаги етти аъзоли ҳалқа ҳосил қилади (7-расм).



7-расм. (Dicl·МЕА·Н<sub>2</sub>О) сольватининг (а) молекуляр ва (б) кристалл тузилиши


[Dicl·Cd(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>(CH<sub>3</sub>COO)<sub>2</sub>]<sub>n</sub> полимер типидagi комплекс таркибида диклофенак молекуласи бидентат ҳолда 6 координацияланган Cd атомига боғланган, қолган ўринларни монодентат ҳолдаги иккита сирка кислота аниони (ацетат қолдиғи) ва иккита сув молекуласи эгаллаган. Шу билан бирга ҳар бир ацетат қолдиғи иккита Cd атомлари оралиғида кўприк вазифасини ўтаган (8-расм).



8-расм. Диклофенак Cd(II) комплексининг (а) молекуляр ва (б) кристалл тузилиши

### Диклофенак асосидаги комплекс бирикмаларнинг ТГ-ДСК таҳлили

Олинган комплекс бирикмаларнинг термик барқарорлигини аниқлаш учун Dicl·МЕА<sup>+</sup>·Н<sub>2</sub>О ва [Zn(EDA)(H<sub>2</sub>O)]<sup>+</sup> Dicl·Н<sub>2</sub>О комплексларининг термоаналитик тадқиқотлари олиб борилди.




9-расм. Dicl·МЕА<sup>+</sup>·Н<sub>2</sub>О комплексининг ТГ-ДСК эгри чизиқлари

булади. Фаолланиш энергияси -190,4 Дж/г га тенг.

Dicl·МЕА<sup>+</sup>·Н<sub>2</sub>О комплексининг термоаналитик эгри чизиғидан (9-расм) кўринадики, ушбу бирикма 90°C гача барқарор, сўнгра ТГ эгри чизиғида ҳароратлар оралиғида Δm=7,2% масса йўқотилиши кузатилади. Бу кристаллизацион сувнинг чиқиб кетишига тўғри келади. Диклофенакнинг парчаланиши ва моноэтаноламиннинг буғланиши бир вақтда 249–253°C ҳарорат оралиғида содир

$[Zn(EDA)(H_2O)]^+ Cl^- \cdot H_2O$  таркибли комплекснинг  $100^\circ C$  гача барқарорлиги (10-расм)дан кўринади. Бундан юқори ҳароратда  $\Delta m=7.1\%$  масса йўқотилиши ва урта эндотермик чўққи кузатилади. Уларнинг биринчисига кристаллизация сувнинг фаолланиш энергияси ( $-18.4$  Ж/г) тўғри келади. Иккинчи ва учинчи эндотермик чўққилар катта эҳтимоллик билан анион лиганд билан координацияланган сув молекулаларининг парчаланишига (чиқиб кетишига) тўғри келади. Бу жараёнга мос умумий




**10-расм.**  $[Zn(EDA)(H_2O)]^+ Cl^- \cdot H_2O$  комплексининг ТГ-ДСК эгри чизиклари

энергия –  $103.7$  Ж/г ни ташкил этади. Ҳарорат  $230^\circ C$  бўлгунига қадар ўзгариш кузатилмайди, ундан юқорида эса ( $T=231.8^\circ C$ ) эндотермик ва экзотермик иккита чўққи кузатилади. Улардан биринчиси диклофенакнинг Zn билан координацион боғи парчаланишига мос келса, иккинчиси диклофенак молекуласининг парчаланишига мос келади. Иккала жараённинг умумий энергияси  $82.53$  Ж/г ни ташкил этади.

Демак, юқорида келтирилган ТГ-ДСК таҳлили натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, диклофенакнинг MEA ва EDA иштирокидаги тегишли комплекслари мос равишда  $90$  ва  $100^\circ C$  ҳароратгача барқарорлиги, яъни ушбу ҳароратлардан бошлаб кристаллизация сувнинг чиқиб кетиши кузатилади. Бу ҳолатни, яъни EDA иштирок этган комплекснинг MEA иштирокидаги комплексга нисбатан барқарор бўлишлигини, EDA молекуласида иккита амина гуруҳи борлиги ва буни ўз навбатида водород атомлари кўп бўлиши, кўпроқ водород боғларини ҳосил қилишлиги билан изоҳлаш мумкин.

### Янги олинган комплекс бирикмаларнинг кондуктометрик тадқиқотлари ва диклофенакнинг комплекс ҳосил қилиш хусусиятлари



**11-расм.**  $Cl^-$  ни сувли эритмада икки валентли металл катионлари билан кондуктометрик титрлаш эгри чизиги: 1)  $Zn^{2+}$ , 2)  $Ni^{2+}$ , 3)  $Cu^{2+}$ , 4) EDA, 5) TEA.

электр ўтказувчанлиги ўзгаради, сўнгра бирикма ва икки валентли катион концентрацияларининг маълум нисбатида платого чиқади. Ушбу концентрациялар нисбатида бирикмаларнинг металл катионлари билан максимал боғланиши содир бўлади (11-расм).

Икки валентли металл ( $Zn^{2+}$ ,  $Ni^{2+}$ ,  $Cu^{2+}$ ) тузларининг сувли эритмада диклофенак, моноэтанолламин, диэтанолламин, триэтанолламин ва этилендиамин иштирокидаги электр ўтказувчанлигини тадқиқ этиш уларнинг координацион бирикмалар ҳосил қилишини тасдиқлади. Амалиёт натижаларининг таҳлилига кўра, тадқиқ этилаётган бирикмаларнинг концентрацияси ортиб бориши билан металл катионлари сақлаган эритманинг

1-жадвал

Сувли эритмадаги икки валентли катионлар билан DiCl ва EDA комплексларининг миқдорий характеристикалари

Катионлар (10 <sup>-3</sup> М)	K×10 <sup>4</sup>	r (Å)		ΔG (кДж)
		DiCl ва EDA (0,25 мМ)		
Ni <sup>2+</sup>	0,98	5,59		-22,77
Cu <sup>2+</sup>	0,10	4,95		-17,11
Zn <sup>2+</sup>	0,08	5,33		-16,56

Демак, диклофенакнинг икки валентли металл катионлари билан комплекс ҳосил қилишдаги танлаб таъсир қилиши қуйидаги қаторда камайди: Ni<sup>2+</sup>>Cu<sup>2+</sup>>Zn<sup>2+</sup>.

2-жадвал

Комплекс бирикмаларнинг *HeLa* хужайраларига нисбатан цитотоксиклигини аниқлаш кўрсаткичлари

Доза, мкг	Хужайралардаги МТТ ингибирлаши, %	
	100	10
Намуналар	100	10
Назорат	100	100
DiCl	20,2	23,5
EDA	25,5	36,1
(DiCl·EDA)	38,3	6,1
[Zn(DiCl) <sub>2</sub> ]	47,0	40,6
[Zn(EDA) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ]·(DiCl) <sub>2</sub> ·(H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub>	20,7	22,1
Cu(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub>	59,3	15,3
[Cu <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> (DiCl) <sub>4</sub> ]·(H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub>	88,4	43,4
[Cu <sub>2</sub> (EDA) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ]·(DiCl) <sub>2</sub> ·(H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub>	28,6	39,4
[Ni(DiCl) <sub>2</sub> ]	30,4	12,2
[Ni(EDA) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ]·(DiCl) <sub>2</sub> ·(H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub>	9,3	7,1
Цисплатин	98,0	73,8

Танланган намуналарнинг цитотоксиклигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот асосида қуйидаги натижалар аниқланди:

Ушбу тадқиқотда [Cu<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>(DiCl)<sub>4</sub>]·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub> таркибли комплекс 100 мкг дозада 88,4%, 10 мкг дозада 43,4% юқори цитотоксикликни намоён қилди. [Zn(EDA)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>]·(DiCl)<sub>2</sub>·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub> комплекс бирикма 100 мкг дозада 20,7%, 10 мкг дозада 22,1%, [Ni(EDA)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>]·(DiCl)<sub>2</sub>·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub> таркибли комплекс 100 мкг дозада 9,3%, 10 мкг дозада 7,1% *HeLa* хужайраларни ўсишини ингибирлади. Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичида комплекс бирикмаларнинг фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш учун энг кам цитотоксикликни намоён қилган бирикмаларни танлаб олдик.

[Zn(EDA)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>]·(DiCl)<sub>2</sub>·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>, [Ni(EDA)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>]·(DiCl)<sub>2</sub>·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub> таркибли комплекс бирикмаларининг ўткир заҳарлиги кўрсаткичлари

Комплексларнинг умумий таъсири ва ўткир заҳарлилиги хусусиятлари диклофенакка таққослаб ўрганилди. Тадқиқотлар оғирлиги  $25 \pm 2,0$  г бўлган оқ зотсиз сичқонларда моддаларни сичқон организмга оғиз орқали бир марта киритиш билан ўрганилган.

Диклофенак субстанцияси сичқонларга оғиз орқали 160 мг/кг, 200 мг/кг 250 мг/кг, 300 мг/кг ва 400 мг/кг дозаларда юборилди.

1-комплекс –  $[\text{Zn}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  оғиз орқали 4000 мг/кг, 5000 мг/кг 6000 мг/кг, 8000 мг/кг ва 10000 мг/кг дозаларда юборилди.

2-комплекс –  $[\text{Ni}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  оғиз орқали 1600 мг/кг, 2000 мг/кг 2500 мг/кг, 3000 мг/кг ва 4000 мг/кг дозаларда юборилди.

Диклофенакнинг ўткир заҳарлилиги IV синф кам заҳарли модда бирикмаларига тегишли эканлиги аниқланди ва  $\text{LD}_{50}$  350 мг/кг ни ташкил қилди.

$[\text{Ni}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  комплексининг ўткир заҳарлилиги хусусиятини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, бу намуна V синф деярли заҳарсиз модда бирикмаларига тегишли эканлиги аниқланди ва  $\text{LD}_{50}$  2570 мг/кг ни ташкил қилди. Текширилаётган комплекс бирикма диклофенакка нисбатан 7,3 марта кам заҳарлиликка эгаллиги маълум бўлди.

$[\text{Zn}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  намунасининг ўткир заҳарлигини хусусиятини ўрганиш натижаларига кўра ушбу намуна VI синф нисбатан зарарсиз модда бирикмаларига тегишли эканлиги аниқланди ва  $\text{LD}_{50}$  5640 мг/кг ни ташкил қилди. Текширилаётган комплекс бирикма диклофенакка нисбатан 16,1 марта кам заҳарлиликка эгаллиги аниқланди.

### 3–жадвал

#### $[\text{Zn}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$ комплекс бирикмасининг (1:1) кумуляцияланиш хоссаси

Киритиш кунлари	Тажриба гуруҳидаги сичқонларнинг умумий сони/нобуд бўлган сичқонлар сони ( $n=10$ )	$\text{LD}_{50}$ қийматининг улуши	$\text{LD}_{50}=5640$ мг/кг
1–4	10/0	0,1	564
5–8	10/0	0,15	846
9–12	10/1	0,22	1240,8
13–16	10/2	0,34	1917,6
17-20	10/3	0,5	2820
21-24	10/4	0,75	4230
25-26	10/5	1,12	6316,8

Олинган натижалар асосида  $[\text{Zn}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  таркибли комплекснинг кумуляция коэффиценти ( $K_k$ )=10,48 га тенг бўлди, яъни  $K_k > 5$ ,  $[\text{Zn}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  таркибли комплекснинг кумуляция хоссаси кучсиз ифодаланганини кўрсатади

## 4–жадвал

**[Ni(EDA)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>](DiCl)<sub>2</sub>·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub> комплекс бирикмасининг (1:1)  
кумуляцияланиш хоссаси**

Кириштиш кунлари	Тажриба гуруҳидаги сичқонларнинг умумий сони/нобуд бўлган сичқонлар сони (n=10)	ЛД <sub>50</sub> қийматининг улуши	ЛД <sub>50</sub> =2570 мг/кг
1–4	10/0	0,1	257
5–8	10/1	0,15	385,5
9–12	10/2	0,22	565,4
13–16	10/3	0,34	873,8
17–20	10/4	0,5	1285
21–24	10/5	0,75	1927,5

Олинган натижалар асосида [Ni(EDA)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>](DiCl)<sub>2</sub>·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub> таркибли комплекснинг кумуляция коэффиценти (K<sub>к</sub>)=8,24 га тенг бўлди, яъни K<sub>к</sub>>5, [Ni(EDA)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>](DiCl)<sub>2</sub>·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub> таркибли комплекснинг кумуляция хоссаси кучсиз ифодаланганини кўрсатади.

Юқоридаги комплекс бирикмаларнинг кумуляция хоссасини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижаларни умумлаштириб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: 1:1 моляр нисбатдаги комплексларда кам захарлилик ва кучсиз кумуляция хоссаси борлиги, 1:5 моляр нисбатдаги комплекслар эса юқори захарликка, яъни яққол кумуляция хоссасига эга эканлиги аниқланди. Бунда, 1:1 нисбатдаги комплексларда металл иони диклофенак билан боғлиқ бўлиб, бунда ортикча металл кузатилмайди. 1:2 дан 1:5 нисбатгача бўлган комплексларда металлнинг ортикча миқдори мавжуд бўлиб, бу эса кумуляциянинг юқори бўлишига олиб келади. Демак, биологик тадқиқотлар учун фақат комплексларнинг 1:1 моляр нисбати мақбул ҳисобланади.

## 5–жадвал

**Диклофенак, Ni<sup>2+</sup>, Zn<sup>2+</sup> металл ионлари ва EDA, шунингдек, аралаш-лигандли комплекс бирикмаларининг каламушларда оғиз орқали киритилганда каррагенин таъсирида чақирилган шиш жараёнига (ўлчамларига) таъсири (оёқ ҳажмининг бошланғич ҳолатига нисбатан хар соатдаги % кўрсаткичи M±m; n=5)**

№	Намуналар	Доза мг/кг	Каррагенин киритилганидан кейинги вақт, соат					
			1	2	3	4	5	24
1	Назорат	0,5 мл сув	87,5±7,2	112,5±10	162,5±14,8	150±13,5	131,3±12,0	25±1,8
2	DiCl	8	20±1,6*	32±2,2*	60±3,8*	36±1,5*	20±1,6*	4±0,3*
3	EDA	8	40,0±3,5*	61,0±5,0*	93,5±7,8	69,0±5,5*	40,0±3,2*	18±1,4*
4	Ni(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·4H <sub>2</sub> O	8	20±1,5*	45±3,6*	60±5,4*	40±1,8*	30±2,8*	10±0,9*
5	[Ni(EDA) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ](DiCl) <sub>2</sub> ·(H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub>	8	16,8±1,3*	29±2,0*	41,7±2,8*	25±1,0*	16,66±1,3*	4±0,3*
6	Zn(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub>	8	18,2±1,4*	31,8±2,1*	54,54±5,6*	40,9±2,1*	27,3±2,5*	4,5±0,4*
7	[Zn(EDA) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ](DiCl) <sub>2</sub> ·(H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub>	8	25±2,1*	40±3,0*	52,5±4,2*	40±2,0*	25±2,0*	10±0,9*

**Изоҳ:** \*P<0,01- назоратга нисбатан ишончлилик.

**6-жадвал**

**Диклофенак, Ni<sup>2+</sup>, Zn<sup>2+</sup> металл ионлари ва EDA, шунингдек, аралаш-лигандли комплекс бирикмаларининг ўткир эссудатив яллиғланишга қарши фаоллиги (% да кўрсатилган M±m; n=5)**

№	Намуналар	Индукциядан 3 соат ўтгач панжа ҳажмининг ортиши	Антиэкс судатив таъсир, %	P
1	Назорат	162,5±14,8	0	
2	Dicl	60±3,8*	50	*p=0.000275
3	EDA	93,5±7,8*	33	*p=0.004435
4	Ni(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·4H <sub>2</sub> O	60±5,4*	54	*p=0.000332
5	[Ni(EDA) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ](Dicl) <sub>2</sub> ·(H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub>	41,67±2,8*	62	*p=0.000185 +p=0.006027
6	Zn(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub>	54,54±5,6*	52	*p=0.000248
7	[Zn(EDA) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ](Dicl) <sub>2</sub> ·(H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub>	52,5±4,2*	54	*p=0.000090

**Изоҳ:** \*P = назоратга нисбатан ишончлилик; \*\*P = диклофенакка нисбатан ишончлилик

Юқоридаги 6 та намунанинг яллиғланишга қарши фаоллигини таққослаб ўрганиш натижасида диклофенак – 50%, [Zn(EDA)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>](Dicl)<sub>2</sub>·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub> – 54% антиэксудатив таъсир кўрсатди. Ушбу комплекс бирикманинг антиэксудатив таъсири диклофенак таъсири билан мос келади. [Ni(EDA)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>](Dicl)<sub>2</sub>·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub> – 62% антиэксудатив таъсир кўрсатиб, диклофенакдан сезиларли даражада (p=0,006027) юқори биологик фаолликни намоён қилганлиги аниқланди.

**7-жадвал**

**Диклофенак ва унинг асосида олинган [Zn(EDA)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>](Dicl)<sub>2</sub>·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>, [Ni(EDA)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>](Dicl)<sub>2</sub>·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub> таркибли комплекс бирикмаларнинг каламушлардаги хавфсизлик ва терапевтик индекслари кўрсаткичлари**

Намуналар	ЛД <sub>50</sub> (мг/кг) каламуш	ЭД <sub>50</sub> (мг/кг) каламуш	УД <sub>50</sub> (мг/кг) каламуш	УД <sub>50</sub> баҳолаш балларда	Хавфсизли к индекси. УД <sub>50</sub> /ЭД <sub>50</sub>	Терапевти к индекс ЛД <sub>50</sub> /ЭД <sub>50</sub>
Dicl	350	8	<48	25	<6	43,75
[Ni(EDA) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ] ·(Dicl) <sub>2</sub> ·(H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub>	2570	8	>514	1	>64,25	311,25
[Zn(EDA) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ] ·(Dicl) <sub>2</sub> ·(H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub>	5640	8	>1128	0	>141	705

[Ni(EDA)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>](Dicl)<sub>2</sub>·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub> ва Zn(EDA)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>·(Dicl)<sub>2</sub>·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub> бирикмалари учун хавфсизлик индекси (ЭД<sub>50</sub>) мос равишда – 64,25 ва 141, яъни диклофенакка нисбатан 10,7 ва 23,5 баробар юқори кўрсаткични намоён қилди. Ўрганилган [Ni(EDA)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>](Dicl)<sub>2</sub>·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub> ва [Zn(EDA)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>](Dicl)<sub>2</sub>·(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub> комплекс бирикмалар терапевтик

индексининг (ТИ) мос равишда – 43,75 дан 311,25 ва 705 гача ёки 7,1 ва 16,1 марта ортишига олиб келиши аниқланди.

$[\text{Ni}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$ ,  $[\text{Zn}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  таркибли комплекс бирикмаларининг ульцероген таъсирини диклофенак билан солиштирган ҳолда ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижаларни умумлаштириб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:  $[\text{Ni}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  комплекс бирикмаси эса диклофенакка нисбатан 10 марта кўп дозада ҳам 24 баллга камроқ ульцероген таъсирни намоён қилди,  $[\text{Zn}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  комплекс бирикмасининг ульцероген таъсири ( $\text{УД}_{50}$ ) мавжуд эмас.

## 8-жадвал

### Диклофенак ва биометаллар асосида олинган комплекс бирикмаларнинг антибактериал таъсирини аниқлаш кўрсаткичлари

№	Антагонистик фаоллик d (ўсишни ингибирлаш зонаси), мм			
	<i>Bacillus subtilis</i>	<i>Escherichia coli</i>	<i>Staphylococcus aureus</i>	<i>Candida albicans</i>
ДФ-Dicl	16	20	24	0
1- $[\text{Cu}_2(\text{H}_2\text{O})_2(\text{Dicl})_4] \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$	20	15	0	0
2- $[\text{Zn}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$	<b>26</b>	22	<b>32</b>	0
3- $[\text{Cu}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$	<b>23</b>	<b>25</b>	<b>32</b>	0
4- $[\text{Ni}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$	10	<b>25</b>	24	0

Эслатма: «0» - аниқланмаган

Юқоридаги жадвалдан (2), (3), (4) комплекс бирикмаларининг антибактериал фаоллиги диклофенак фаоллигидан юқори эканлиги кўринади. Тадқиқотдан олинган натижаларни диклофенакка таққослаганда янги комплекс бирикмаларнинг биологик фаоллиги диклофенакка нисбатан юқори самарали фаолликни намоён қилгани аниқланди. Олинган натижаларга асосланиб, аралаш-лигандли комплекс бирикмаларининг антибактериал фаоллиги (2), (3), (4) монолигандли комплексига (1) нисбатан сезиларли даражада юқори. Буни металлларнинг ва қўшимча лигандларнинг координацияда тутган ўрни билан тушунтириш мумкин.

## ХУЛОСАЛАР

1. Диклофенак,  $\text{Zn}^{2+}$ ,  $\text{Cu}^{2+}$ ,  $\text{Ni}^{2+}$ ,  $\text{Cd}^{2+}$  биометалл катионлари ва қўшимча лигандлар MEA, DEA, TEA, EDA билан олинган 10 та янги комплекс бирикмаларнинг молекуляр ва кристалл тузилишлари РТТ ёрдамида тўлиқ аниқланди.

2. Диклофенак этилендиамин ёки аминоспиртлар (моно, -ди, -триэтанолламин) иштирок этган муҳитда,  $\text{Zn}^{2+}$ ,  $\text{Cu}^{2+}$ ,  $\text{Ni}^{2+}$  металл катионлари

билан бевосита координациялана олмаслиги, яъни фақат ташқи сферада бўлиши ва изоструктурали комплекслар ҳосил қилиши исботланди.

3. Диклофенак билан  $[\text{Ni}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  ва  $[\text{Zn}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  комплекс бирикмаларининг ўткир заҳарлилигини солиштириб ўрганиш натижасида ушбу препаратлар мос равишда IV синф кам заҳарли, V деярли заҳарсиз ва VI нисбатан зарарсиз бўлган бирикмалар синфларига мансублиги аниқланди.

4.  $[\text{Zn}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  ва  $[\text{Ni}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  1:1 моляр нисбатдаги сувда эрувчи комплекс бирикмаларининг субхроник заҳарлилиги ўрганилганда  $K_k > 5$ , яъни кучсиз кумуляцияланиш хоссасига эга эканлиги аниқланди.

5. Диклофенак билан  $[\text{Zn}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  ва  $[\text{Ni}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  комплекс бирикмаларини яллиғланишга қарши фаоллигини таққослаб ўрганиш натижасида ушбу комплекслар диклофенакка нисбатан мос равишда 50%, 54% ва 62% юқори ўткир антиэкссудатив фаолликни намоён қилиши тасдиқланди.

6.  $[\text{Zn}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  ва  $[\text{Ni}(\text{EDA})_2(\text{H}_2\text{O})_2] \cdot (\text{Dicl})_2 \cdot (\text{H}_2\text{O})_2$  комплекс бирикмалари ульцероген таъсири диклофенакка нисбатан мос равишда 0 ва 1 баллни намоён қилганлиги аниқланди, бунда диклофенакнинг юқори ульцероген таъсири 25 баллни ташкил қилди.

7. Диклофенак билан комплекс бирикмаларнинг антибактериал фаоллигини солиштириб ўрганиш натижасида рухли комплекс *B.subtilis* ва *S.aureus* га қарши 61,5%, 75%, никелли комплекс *E.coli* га қарши 80%, мисли комплекс текширилган бирикмалар орасида энг самарали бўлиб, *B.subtilis*, *E.coli*, *S.aureus* бактерияларининг ўсиши ва ривожланишини диклофенакка нисбатан мос равишда 69,5%, 80% ва 75% га пасайтирди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ  
БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**ОБИДОВА НОДИРА ДЖУМАНОВНА**

**СИНТЕЗ, СТРУКТУРА И БИОЛОГИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ  
КОМПЛЕКСНЫХ СОЕДИНЕНИЙ НА ОСНОВЕ ДИКЛОФЕНАКА**

**02.00.10 – Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2024**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № В2020.4.PhD/В499**

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета [www.biochem.uz](http://www.biochem.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:**

**Ибрагимов Бахтиёр Туляганович**  
доктор химических наук, академик

**Официальные оппоненты:**

**Эргашев Нурали Агзамович**  
доктор биологических наук, с.н.с.

**Гафуров Махмуджон Бакиевич**  
доктор химических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Гулистанский Государственный  
Университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.К/В.37/01 при Институте биоорганической химии (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (зарегистрировано под № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 г.  
(реестр протокола рассылки № «\_\_\_\_\_» от \_\_\_\_\_ 2024 г).

**Ш.И. Салихов**

Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., академик

**Н.Р. Хашимова**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., в.н.с

**М.Б. Гафуров**

Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Одной из актуальных проблем современной химии и фармакологии в мире является обновление лекарственных средств, применяемых в медицинской практике, получение на их основе комплексных соединений с солями биометаллов с целью расширения их терапевтических свойств. Поэтому важное значение приобретает синтез новых комплексных соединений существующих лекарственных соединений, изучение их структуры современными физико-химическими методами, определение молекулярной и кристаллической структуры методом рентгеноструктурного анализа, а также анализ биологической активности полученных комплексов.

В мире проводится множество научных и практических исследований по синтезу координационных соединений на основе лекарственных препаратов и солей биоактивных металлов и изучению их биохимических свойств.

В связи с этим особое внимание уделяется определению физико-химических свойств комплексных соединений образуемых лекарственными средствами и биометаллическими солями, в то же время, разработке новых производных лекарственных средств с эффективным фармакологическим действием и высокой биологической активностью, малой токсичностью, легко усваивающий, хорошо распределяющий, легко метаболизирующий в организм.

В нашей республике предприняты масштабные меры по обновлению имеющихся лекарственных средств, созданию новых эффективных лекарственных средств, замещающих импорт, обеспечению населения качественными лекарствами. В 4-м направлении «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» определены важные задачи в контексте «дальнейшего развития фармацевтической отрасли, улучшения обеспечения населения доступными, качественными лекарственными средствами и медицинскими учреждениями»<sup>1</sup>. В связи с этим, большое научное и практическое значение имеет доказательство возможности получения лекарств путем синтеза координационных соединений, в том числе металлокомплексов, исследование их биологической активности и создание на их основе новых, безвредных и высокоэффективных препаратов.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г., УП-5229 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью» от 7 ноября 2017 г., УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 г. И Постановлениях ПП-3532 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан 2017-2021 годы»

отрасли» от 14 февраля 2018 г и в других нормативных правовых документах, связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением VI «Медицина и фармакология» развития науки и техники республики.

